O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... PALATASI



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2004 йил 6 ноябрь, № 230 (3505) Шанба

## Ўзбекистон Республикаси Рус маданият марказининг 10 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчиларига

*Муҳтарам ватандошлар!*
*Азиз дўстлар!*

*Рус маданият маркази ташкил этилганлигининг ўн йиллиги муносабати билан самимий табригимни қабул қилгайсиз ҳамда умумий уйимиз бўлмиш саховатли Ўзбекистон заминида тинчлик ва барқарорликни, аҳиллик ва тотувликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш йўлидаги меҳнатингиз, бу олижаноб ишга қўшаётган улкан ҳиссангиз учун сизларга чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат этгайсиз.*

*Юртимизда тинчлик ва осойишталикни асраш, кўпмиллатли давлатимизда қарор топган дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш, меҳнаткаш инсонга ҳурмат-эҳтиром, жамиятимизда, миллати ва динидан қатъи назар, ҳамма учун тенг шароит яратиш — бизнинг олий мақсадимиздир. Буларнинг барчаси — демократик янгиланишни, халқимизнинг фаровонлиги, унинг муносиб ҳаёт даражасини, халқаро ҳамжамиятда мамлакатимизнинг юксак нуфузини таъминлашда ҳамиша энг муҳим, ҳал қилувчи шарт бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади, десам, ўйлайманки, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.*

*Мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг маданияти, тили, анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ривожлантириш масалаларига давлатимиз томонидан улкан эътибор берилаётгани айнан ана шу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.*

*Биз Ўзбекистонда миллатлар ўртасида, динлар ва фуқаролараро тотувликни таъминлаш масалаларига доир ҳуқуқий меъёр ва кафолатларнинг Конституциямизда қатъий белгилаб қўйилганини ҳам айнан ана шу шарт-шароит тақозоси сифатида эътироф этамиз.*

*Бу вазифаларни ҳал қилиш борасида амалга ошираётган барча ишларимиз қадимдан турли миллат ва элат вакиллари ёнма-ён яшаб келган Ўзбекистонда асрлар мобайнида шаклланган эзгу анъаналарнинг бугун ҳам изчил ва муносиб давом этаётганидан далолат беради.*

*Буларнинг барчаси, биринчи галда турли маданиятларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва бир-бирини бойитиши ўзининг меҳр-оқибатлилиги, тинчликсевар ва бағрикенглиги, сахийлиги билан ажралиб турувчи халқимиз маънавий бирлигининг асоси, унинг ахлоқий қадриятлари ва ўзига хос фазилатларини шакллантиришнинг муҳим омилидир.*

*Бугунги кунда мамлакатимизда миллий маданият марказлари томонидан амалга оширилаётган, одамларда эртанги кунга ишонч туйғуларини мустаҳкамлашга, биздан кўра ақлли, билимли, кучли ва албатта бахтли бўладиган янги авлодни тарбиялашга қаратилган кўп қиррали бунёдкорлик ишлари нақадар муҳим ва масъулиятли эканлигини, шубҳасиз, барчамиз яхши англаймиз.*

*Шуни алоҳида мамнуният билан таъкидламоқчиманки, Рус маданият маркази ўзининг самарали фаолияти билан ана шу мураккаб вазифаларни ҳал этишдек хайрли ишга улкан ҳисса қўшмоқда ва юртимизда ҳақли равишда обрў-эътибор қозонмоқда.*

*Қадрли дўстлар, сизларнинг турли миллат ва дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда доимо катта ҳурматга сазовор бўлиб келган рус халқининг ноёб қадимий маданияти, адабиёти ва буюк тили, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларини жамиятимизда сақлаш ва мустаҳкамлаш борасида амалга ошираётган ишларингиз айниқса таҳсинга сазовордир.*

*Рус маданият маркази фаолияти биз учун яна шуниси билан ҳам аҳамиятлики, у Россия билан дўстлик, ҳар томонлама муваффақиятли ривожланаётган ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида ўзига хос муҳим кўприк вазифасини ўтаб келмоқда.*

*Сиз азизларга мустаҳкам соғлиқ, хонадонларингизга бахту саодат, тинчлик ва фаровонлик, олижаноб ишларингизда янги ютуқлар ёр бўлишини тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**



## Маҳсулот сифати — асосий мезон

*Бугунга келиб мамлакатимиздаги йирик корхоналардан ҳисобланган "Қизилқумцемент" акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам талаб ошиб бораяпти. Бу ютуқнинг асосий омили маҳсулот сифатига биринчи галдаги вазифа сифатида қаралганидир.*

*Сиз суратда кўриб турган Ўрол Нурмуродов, Ҳамро Шеров, Мирзо Раҳимов ва Юсуф Яҳёев корхонанинг илғор ишчиларидан ҳисобланишади. Гарчи Ҳамро инженер технолог, Ўрол энергетик, Юсуф уста, Мирзо машинист бўлса-да, иш жараёнларида бирон-бир муаммо туғилса, ҳамжиҳатликда бартараф этишади. Бу одат, айниқса, корхонанинг марказий бошқарув тизимида жуда асқотади.*

**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

**26 декабрь**
**Халқ. Демократия. Сайловлар**

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА САЙЛОВЛАР

***Мамлакатимизда демократияни ривожлантиришнинг асосий масалаларидан бири — ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнида олий қонунчилик органи фаолиятида сиёсий партиялар иштирокини фаоллаштиришдир. Самарқандда ўтган "Сиёсий партиялар ва сайловлар: жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистон қонунчилиги" мавзуидаги халқаро учрашув давра суҳбати ана шу масалалар таҳлилига бағишланди. Уни Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ташкил этди. Учрашувда халқаро ташкилотлар ва жамғармалар экспертлари, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Италия, Россия, Украина, Японияда дипломатлар ва сайлов қонунчилиги бўйича мутахассислар, Олий Мажлис депутатлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари етакчилари ва фаоллари қатнашдилар.***

Мутлақо янги асосда ташкил этилган бўлғуси сайловлар мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган парламент ислоҳотининг мантиқий давомидир, деди Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев. Унинг муваффақиятли амалга оширилиши тегишли қонунчиликка асосланган.

Ҳар қандай демократик тизимнинг энг муҳим бўғинлари ҳисобланган сиёсий партиялар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базаси илғор халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда шакллантирилди. Жумладан, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги қонун кўппартияли тизим тўғрисидаги конституциявий қоидаларни амалга ошириш механизмларини белгилаб берди. Бу йил қабул қилинган сиёсий партияларни молиялаш тўғрисидаги қонун эса уларнинг ҳисоб рақамларига тушаётган маблағлардан қонуний ва мақсадли фойдаланиш учун кафолат яратди. Таъкидлаш жоизки, партиялар фаолиятининг молиявий жиҳатини бундай ҳуқуқий тартибга солиш тизими ҳамма ривожланган мамлакатларда ҳам мавжуд эмас. Ҳақиқий демократиянинг ўзига хос жиҳатларидан бири сайлов кампанияси давомида сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратишдир.

Бугун Ўзбекистонда бешта сиёсий партия фаолият олиб бормоқда. Булар — Халқ демократик партияси, "Адолат" социал демократик партияси, "Миллий тикланиш" демократик партияси, Фидокорлар миллий демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси. Уларга Марказий сайлов комиссиясидан сайловда иштирок

(Давоми 2-бетда).

**Тошкент шаҳрида сайлов кампаниясининг боришига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

## Пойтахт тараддуди

*Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси ҳамда шаҳар Матбуот маркази ташаббуси билан ўтказилган йиғинда мамлакатимизда фаолият юритаётган бешта сиёсий партия — Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Ўзбекистон "Фидокорлар" Миллий демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси (Тошкент шаҳар Кенгашлари бўйича) етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.*

*Дастлаб Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг шу кунга қадар олиб борган фаолияти, айни босқичдаги ҳаракатлар дастури тўғрисида комиссия котибининг ҳисоботи тингланди. Сўнг депутатликка номзод кўрсатиш жараёнида амалга оширилаётган ишлар хусусида сиёсий партия вакиллари ахборот бердилар.*

*Шунингдек, анжуманда сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари депутатликка номзодларининг сайловолди ташвиқоти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бу ўринда сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг шарт-шароит яратиш, ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш имкониятини таъминлашнинг аҳамияти катта эканлиги алоҳида таъкидланди.*

**Ўз мухбиримиз.**

## МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНАВЕРАДИ

***Ҳар бир мамлакатнинг тараққиёт даражасини, халқаро майдондаги обрў-эътиборини белгилашда ундаги тинчлик, осойишталик ва фуқаролараро тотувликнинг нечоғли мустаҳкам экани асосий мезонлардан ҳисобланади. Шу маънода, Ватанимизнинг энг катта бойлиги, энг юксак қадрияти — жамиятимиздаги тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг барқарорлигидир.***

Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида Ўзбекистон Республикаси Рус маданият маркази ташкил этилганининг ўн йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда бу фикр яна бир бор таъкидланди. Тадбирда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган элчихоналар, халқаро ташкилотлар, миллий маданият марказлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Рус маданият маркази ташкил этилганлигининг ўн йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ш.Қурбонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик, жумладан, маданият соҳасида ҳам алоқалар тобора ривожланиб бормоқда. Бунда икки мамлакат президентлари — Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг олий даражадаги учрашувларида имзоланган ҳужжатлар, хусусан, стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай аҳдлашувларнинг ҳаётга татбиқ этилишида Ўзбекистондаги Рус маданият марказининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор.

Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлолнинг илк йиллариданоқ Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда миллатлараро тотувликни сақлаш ва мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг муҳим устувор йўналишига айланганини таъкидладилар. Асосий қонунимиз — Конституцияда мамлакатимизнинг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликка, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканлиги қайд этилган.

Айни пайтда Ўзбекистонда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшамоқдалар. Юртимиздаги барқарор, тинч ва осуда ҳаётни ватандошларимиз олий қадрият деб биладилар.

Мамлакатимизда ҳар бир миллат ва элатнинг ўзига хослиги, тили, урф-одати ҳамда анъаналарини сақлашда муҳим роль ўйнайдиган миллий маданият марказларининг фаолиятини ривожлантириш учун бугун барча шарт-шароит яратилган. Ўз навбатида юздан зиёд ана шундай марказ ўзаро ишонч, ҳамжиҳатлик, дўстлик, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Бу борада Рус маданият маркази фаолияти алоҳида эътиборга сазовордир.



Тадбирда миллий маданият марказларининг мусиқий жамоалари, таниқли санъаткорлар ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди. Рус маданият маркази ҳузурида фаолият кўрсатаётган мусаввир ва ҳунармандлар ижод намуналаридан иборат кўргазма кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Ҳусниддинов, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ф.Мухаметшин иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**
**Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.**

*Сўз — халқаро давра суҳбати иштирокчиларига*

## Фикрлар, қарашлар, муносабатлар

***Аввал хабар берганимиздек, Самарқанд шаҳрида «Сиёсий партиялар ва сайловлар: жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистон қонунчилиги» мавзусидаги халқаро давра суҳбати кеча ўз ишини давом эттирди. Марказий сайлов комиссияси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорликда ташкил этган мазкур анжуманда, унинг мажлисларида сайлов кампаниясининг бориши ва ўзига хосликлари атрофлича таҳлил қилинди.***

***Мухбиримиз халқаро анжуман қатнашчиларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий Кенгашларга ўтказиладиган сайловларда сиёсий партияларнинг иштироки ҳақидаги фикрлари билан қизиқди.***

**Фредерик СТАРР, Ж. Хопкинс университети (Вашингтон) Марказий Осиё ва Кавказ институти директори:**

— Ўзбекистонда икки палатали парламентга ўтилишининг ўзи мамлакатингизда демократия сари яна бир дадил қадам ташланганидан далолат беради. Сайлов қонунчилигингизда депутатлар ваколатининг муддати беш йил қилиб белгиланганини қонунчилик сифатига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Чунки қонун ижодкорлиги ва уни қайта ишлаш учун, албатта, маълум вақт керак. Қолаверса, депутатлар қанча кўп ишласа, бу парламент барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Икки палатали парламент ташкил этиш учун мамлакатингизда халқаро меъёрларга мос ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Энди эса ҳамма гап улардан фойдаланиш-да, бўлажак сайловларни ҳақиқий демократия асосида ўтказишда.

Назаримда, Ўзбекистонда сайловларнинг адолатли ўтиши учун ҳамма имкониятлар бор. Хусусан, оммавий ахборот воситаларида сайловда қатнашувчи партиялар фаолияти тенглик асосида ёритилиб борилаётгани характерлидир.

Кўҳна Самарқандда мен «Сайлов жараёнлари ривожланишининг жаҳон тажрибаси» мавзуида маъруза қилдим. Демоқчиманки, ана шундай халқаро анжуманларнинг ташкил этилишининг ўзиёқ сайловларнинг ошкоралик ва демократик руҳда ўтишига хизмат қилади, деб ўйлайман.

(Давоми 2-бетда).

ШОШИЛИНГ! БАРЧАСИ СИЗ УЧУН!

2005 йил учун обуна кампанияси ўзининг қизғин палласига кириб бормоқда. Бу муҳим тадбирни юқори савияда ўтказиш учун «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг 14 та ҳудудий почта корхоналарига қарашли 189 та туман ва шаҳар алоқа боғламалари ҳамда 3017 та алоқа бўлимлари фаолият юритмоқда.

Бундан ташқари йирик корхоналар ва ўқув юртларида обуна қабул қилиш пунктлари ташкил қилинган. Шунингдек, бу ишга кўп минг сонли хат ташувчилар жалб этилган.




«ХАЛҚ СЎЗИ» ВА «НАРОДНОЕ СЛОВО»

газеталарига обунани почта корхоналари орқали расмийлаштиринг, улар нашрларни республика ҳудуди бўйича ўз вақтида кўрсатилган манзилга етказиб беришни кафолатлайди.

тивлари ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган манбалардан маблағларни Халқ банкида жамлаш йўли билан шакллантирилади.

**28-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг активларидан фойдаланиш**

Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг активларидан фақат қуйидаги мақсадларда фойдаланилиши мумкин:

молиявий воситаларга жойлаштириш;

жамғариб бориладиган пенсия тўловларини ушбу Қонунга мувофиқ амалга ошириш.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг активларини жойлаштириш тартиби, инвестицияларни диверсификация қилиш, турли молиявий воситаларга жойлаштириладиган активларнинг энг кўп улуши ҳамда бундай активларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан белгиланади.

## VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

**29-модда. Низоларни ҳал қилиш**

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

**30-модда. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

---

*Қонун лойиҳасига доир таклиф ва мулоҳазаларни Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик ҳамда Бюджет, банк ва молия масалалари қўмиталарига қуйидаги манзил бўйича юборишингизни сўраймиз:*

*700035, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси.*

*Телефонлар: 139-84-92, 139-86-31, 139-87-05, 139-80-49.*

16

Буклаш чизиғи

*Лойиҳа*

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

# ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари**

**2004 йил**

Қирқиш чизиғи

қами, шунингдек бошқа зарур маълумотлар кўрсатилади. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинганлик гувоҳномасининг шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинганлик гувоҳномаси йўқотиб қўйилган (йўқолган) тақдирда унинг дубликати ўша доимий шахсий тартиб рақамли шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи ёзилган ҳолда берилади.

**13-модда. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида маблағларнинг шакллантирилиши**

Иш берувчи жисмоний шахсларнинг, қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғининг тегишлича камайтирилган суммаси ҳисобига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини ой сайин тўлаб боради.

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг миқдори ходимларнинг, шу жумладан ишлаётган пенсионерларнинг иш ҳақи (даромади) суммаси асосида ҳисоблаб чиқарилади ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан келгуси йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш вақтида белгиланади.

Иш берувчига ўз маблағлари ҳисобидан унинг ўз штатида турган фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига қўшимча бадаллар ўтказиш ҳуқуқи берилади. Қўшимча бадалларнинг миқдори ва уларни киритиш муддатлари иш берувчи томонидан жамоа шартномаси ёки бошқа локал ҳужжат асосида белгилаб қўйилади.

Иш берувчи юридик шахснинг жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини тўлаши учинчи шахсларнинг фойдасига амалга оширилиши мумкин эмас.

Фуқарога ўзининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига, шунингдек учинчи шахслар фойдасига унинг ўзи мустақил равишда белгилайдиган миқдорлар ва муддатларда қўшимча

8

Буклаш чизиғи

ихтиёрий бадаллар киритиш ҳуқуқи берилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқаролар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига, шунингдек учинчи шахслар фойдасига киритиладиган бадаллар миқдори ва муддатларини ўзлари мустақил равишда белгилайдилар.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлар суммасидан келиб чиқиб, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб қўшиладиган фоиз миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда, инфляция суръатларидан кам бўлмаган даражада ҳар йили Халқ банки белгилайди.

Халқ банкида фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги жамғармалари миқдори ҳамда бу ҳисобварақлардаги ҳолат махфий хусусиятдаги маълумотлар бўлиб, ошкор қилинмаслиги керак, "Банк сири тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**14-модда. Жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш**

Жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ўтказилганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати нусхасини, ҳар бир фуқаронинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи тартиб рақами, фамилияси, ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақи суммаси ва жамғариб бориладиган пенсия бадаллари суммаси кўрсатилган фуқаролар реестрини иш берувчи ўзи жойлашган ердаги Халқ банки филиалига ҳар ойда тақдим этиши шарт. Реестрнинг нусхаси шахслар бўйича ҳисоб юритиш учун тегишли туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига тақдим этилади.

Халқ банки ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган тўлов ҳужжати ва реестр асосида маблағларни фуқароларнинг шахсий жамғариб

9

Қирқиш чизиғи — Қирқиш чизиғи

қилувчи ўзгаришлар тўғрисида Халқ банки филиалига хабар қилиши шарт.

**25-модда. Халқ банкининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Халқ банки:

бадал киритувчилардан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш ва юритиш учун зарур маълумотларни талаб қилиш;

жамғариб бориладиган пенсия тизимининг активларини қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда инвестициялаш;

жамғариб бориладиган пенсия тизимининг пенсия активларини инвестициялашдан олинган даромаддан маржа олиш ҳуқуқига эга. Маржа миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Халқ банки:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиши ва юритиши;

Халқ банкида очилган шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига киритилаётган бадаллар миқдорини шахслар бўйича ҳисобга олиб бориши;

жамғариб бориладиган пенсия тизими активларини ишончли молиявий воситаларга жойлаштириш йўли билан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларнинг сақланишини, уларнинг кўпайтирилишини ва инфляциядан ҳимоя қилинишини таъминлаши;

йилнинг ҳар чорагида фуқароларни уларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари ҳолати тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши;

умуман жамғариб бориладиган пенсия тизими фаолиятига ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига алоқадор бирламчи ҳужжатлар ҳамда ёзувларнинг сақланиши ва архивлаштирилишини таъминлаши шарт.

Халқ банки қуйидагилар учун белгиланган тартибда жавобгар:

жамғариб бориладиган мажбурий ва ихтиёрий пенсия бадалларининг ҳамда шахсий жамғариб

14

Буклаш чизиғи

маблағлар билан таъминлашга қаратилган фаолияти;

**жамғариб бориладиган пенсия тўловлари** – ушбу Қонунга мувофиқ жамғариб бориладиган пенсия тизими орқали амалга ошириладиган тўловларга бўлган ҳуқуқ юзага келган тақдирда, давлат пенсиясига қўшимча равишда, бундай тизим орқали амалга ошириладиган тўловлар;

**жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчи** (бундан буён матнда бадал киритувчи деб юритилади) – жамғариб бориладиган пенсия тўловлари олувчининг фойдасига бадаллар ажратаётган иш берувчи юридик шахс ёки жисмоний шахс;

**жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи** – ушбу Қонунга мувофиқ жамғариб бориладиган пенсия тўловларини шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари орқали олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаро;

**шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи** – фуқаронинг Халқ банкидаги эгаси ёзилган шахсий ҳисобварағи бўлиб, бадал киритувчиларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларга ҳисоблаб қўшилган фоизлар ана шу ҳисобвараққа келиб тушади ҳамда унда ҳисобга олиб борилади, жамғариб бориладиган пенсия тўловлари шу ҳисобварақдан тўланади;

**жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари** – ушбу Қонунга мувофиқ шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадал киритувчи томонидан иш ҳақидан (даромаддан) мажбурий тартибда киритиладиган (ўтказиладиган) пул маблағлари;

**жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари** – ушбу Қонунга мувофиқ шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадал киритувчи томонидан ўз ташаббуси билан киритиладиган (ўтказиладиган) пул маблағлари;

**шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги жамғарилма** – жамғариб бориладиган мажбурий ва ихтиёрий пенсия бадаллари, шахсий жамғариб бориладиган пенсия

3

Қирқиш чизиғи

ликаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Халқ банкида фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағини очиш ва юритиш тартибига риоя этилиши, шунингдек шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан маблағ тўланиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

**9-модда. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказилган маблағларни ва жамғариб бориладиган пенсия тўловларини солиқ солишдан озод қилиш**

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказилган маблағларга, шу жумладан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизларга ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тўловларига солиқ солинмайди.

## II. ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**10-модда. Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш**

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш иш берувчи томонидан мазкур фуқароларнинг асосий иш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш уларнинг аризасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг яшаш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш;

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинганлик гувоҳномасини бериш.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Халқ

6

Буклаш чизиғи

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тайинлаш туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими берган топшириқ асосида бундай тўловларни олувчининг яшаш жойидаги Халқ банки филиаллари томонидан жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш учун топшириқ тақдим этилган кундан эътиборан беш иш куни ичида амалга оширилади.

**18-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тайинлаш муддатлари**

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари уларни олиш учун мурожаат этилган ойдан кейинги ойдан эътиборан, лекин бундай тўловларни олувчида ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келганидан кейин тайинланади.

**19-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш тартиби**

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчилар ўзлари мустақил равишда белгилайдиган муддат мобайнида ҳар ойлик жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ёки жамғариб бориладиган пенсия тўловларини бир йўла олиш ҳуқуқига эга.

**20-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тўлаш тартиби**

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан жамғариб бориладиган пенсия тўловлари бундай тўловларни олувчининг яшаш жойидаги Халқ банки филиаллари томонидан тўланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан ўз маблағларини қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган ҳужжатлар асосида ишончли шахслар орқали олишлари мумкин.

Фуқаро вафот этган тақдирда, унинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўланади.

Фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш учун чиқиб кетган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия

11

Қирқиш чизиғи — Қирқиш чизиғи

ДАТК «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

2004 йил аспирантурада кундузги шаклда ўқиш учун қуйидаги йўналишлар бўйича қабул эълон қилади:

| | |
|---|---|
| 01.02.04 | — Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси. |
| 03.00.16 | — Экология. |
| 05.02.01 | — Машинасозлик материалшунослиги (тармоқлар бўйича). |
| 05.02.02 | — Машинашунослик ва машина деталлари тизимлари. |
| 05.02.03 | — Юритмалар тизимлари. |
| 05.03.06 | — Пайвандчилик технологияси ва машиналари. |
| 05.05.01 | — Локомотивлар (электровозлар, тепловозлар) ва вагонлар. |
| 05.05.05 | — Юк кўтариш — транспорт машиналари. |
| 05.09.01 | — Электр машиналар. |
| 05.09.06 | — Электр аппаратлари. |
| 05.13.05 | — Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва қурилмалари. |
| 05.13.07 | — Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича). |
| 05.16.01 | — Металлшунослик ва металларга термик ишлов бериш. |
| 05.22.07 | — Темир йўлларнинг ҳаракатдаги таркиблари ва поездларни юритиш. |
| 05.22.08 | — Темир йўл транспортини ишлатиш (жумладан сигнал, марказлаштириш ва муҳофаза тизимлари). |
| 05.22.09 | — Темир йўл транспортини электрлаштириш. |
| 05.23.04 | — Сув таъминоти, канализация, сув ҳавзаларини муҳофазалаш учун қурилиш тизимлари. |
| 05.23.05 | — Қурилиш материаллари ва буюмлари. |
| 05.23.13 | — Темир йўллар қурилиши. |
| 05.23.15 | — Кўприклар ва транспорт тоннеллари. |

*Ҳужжатларни қабул қилиш — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида.*

Маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: 700167, Ташкент ш., Одилхўжаев кўчаси,1-уй, ТошТИМИ, ИТБ, 335-хона. Телефонлар: 57- 525, 57- 565 (т.й.), 199-05-25, 199-05-65 (шаҳ.)

*Барча қурилиш ташкилотлари диққатига !*

«Ўздаврхитекткурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

қуйидаги объектларни тайёр ҳолда қуриб топшириш (под ключ) бўйича танлов савдоси эълон қилади:

1. Ховос туманининг Гулбаҳор қўрғонида 600/100 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши.
2. Сирдарё шаҳри 600/100 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши.

*Буюртмачи — Сирдарё вилояти ҳокимлиги қурилишда ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси. Манзил: Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй. Телефон: 27-63-85.*

Объектлар қурилиши марказлаштирилган давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида иштирок этиш истагини билдирган қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: ҳисоб рақамларида ёки захирада қурилиш материаллари билан бирга объект қийматининг камида 20 % айланма маблағи бўлиши, бундай маблағ бўлмаган ҳолатда ана шу миқдорда банк кредит бериши мумкинлиги ҳақида кафолатномаси мавжудлиги, объектда ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, ўхшаш объектлар қуриш бўйича тажрибага эга бўлишлиги, шартнома тузиш ҳуқуқига эгалиги.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сирдарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига сўровнома билан эълон чоп этилгандан сўнг 30 кун давомида қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

**Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй. Тел./факс: (8 3672) 27-64-84.**

*Танлов ҳужжатларининг бир тўплами нархи — 60000 сўм.*

Оферталар юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва уларни тақдим этишнинг охирги муддати — танлов комиссиясининг шу объектлар бўйича йиғилиш ўтказадиган куни ва соати. Танлов савдолари эълон чоп этилганидан 30 кун кейин ўтказилади.

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

## *Иқтидорлилар беллашуви*

"Бунёдкор" ёшлар телеклубида Тошкент шаҳридаги мактаб ўқувчилари ўртасида "Нима? Қачон? Қаерда?" очиқ чемпионатининг финал мусобақалари бўлиб ўтди.

Ўйин тартибига кўра, финал иштирокчилари жорий йил 15-25 октябрь кунлари саралаш мусобақалари орқали аниқланди.

Финал мусобақаларида 18 та гуруҳ бош соврин учун ўзаро беллашдилар. Унда Акмал Икромов туманидаги "Ором" мактаб-боғча муассасаси ўқувчилари ғалаба қозонди.

Ғолибларга "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлимининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо эсдалик совғалар топширилди.

**Нодира АРИФХЎЖАЕВА.**

## *Кубок ўйинлари бошланди*

Тошкентда бадминтон бўйича Ўзбекистон очиқ кубоги мусобақалари бошланди.

Мазкур мусобақада мамлакатимиз вакилларидан ташқари қўшни Қозоғистон Республикасидан келган спортчилар ҳам иштирок этишмоқда.

*Давлат, хусусий ҳамда бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига !*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

2004 йил 30 октябрдан 30 ноябргача қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:

- бош кийимлар;
- тикувчилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари;
- махсус намунадаги оёқ кийимлари;
- чарм анжомлари;
- почапўстин;
- кўрпа-ёстиқлар;
- табиий жун маҳсулотлари.

Тендер қуйидаги манзилда ўтказилади: 700070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Ш.Руставели к., 1-берк кўча, 1-уй.

*Техник ҳужжатлар 2004 йил 30 октябрдан 30 ноябргача қабул қилинади. Тендер иштирокчиларидан таклифларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2004 йил 30 ноябрь соат 17.00 гача.*

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (3712) 55-81-73, 55-76-72, 136-39-60, 139-71-47. Факс: 8 10 998 (3712) 56-74-16. E-mail: umtvs@uzpak.uz

бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказади.

## III. ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТЎЛОВЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ВА ОЛИШ

**15-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи**

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи сифатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда олиш ҳуқуқига эга.

**16-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш асоси**

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш асоси бундай тўловларни олувчининг яшаш жойидаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан бериладиган топшириқдир.

Ушбу Қонун 6-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш учун топшириқ бериш тўғрисидаги аризани иш берувчи юридик шахс орқали берадилар. Ушбу Қонун 6-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган фуқаролар аризани бевосита яшаш жойидаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига берадилар.

Топшириқда жамғариб бориладиган пенсия тўловлари бошланадиган сана кўрсатилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш топшириғи бундай тўловларни олувчига туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларига мурожаат этилган кундан эътиборан беш иш куни ичида берилади. Ариза барча зарур ҳужжатлар билан қабул қилиб олинган кун жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш учун мурожаат этилган кун деб ҳисобланади. Бундай топшириқни олиш учун зарур ҳужжатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланади.

**17-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тайинлаш**

10

Буклаш чизиғи

банки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги фуқароларнинг шахслар бўйича ҳисобини юритади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчилар тўғрисида шахслар бўйича ҳисобга олиш доирасидаги барча маълумотлар, шу жумладан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги пул маблағлари ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Халқ банкининг ягона республика маълумотлар электрон базасида шакллантирилади ва сақланади.

**11-модда. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш**

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинган фуқароларга Халқ банки томонидан умрбод қилиб белгиланадиган, доимий шахсий тартиб рақамли шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очилади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига доимий шахсий тартиб рақами бериш паспортдаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

Фуқароларнинг яшаш ёки иш жойи ўзгарган тақдирда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи ўзгаришсиз қолади ва янги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очиш талаб этилмайди.

**12-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинганлик гувоҳномаси**

Фуқаронинг жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқини тасдиқловчи Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинганлик гувоҳномаси фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очилганидан кейин Халқ банки томонидан берилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинганлик гувоҳномасида ҳисобга олинган сана, фуқаронинг шахсига оид маълумотлар, шу жумладан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг доимий шахсий тартиб ра-

7

Қирқиш чизиғи

*Лойиҳа*

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

# ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**жамғариб бориладиган пенсия таъминоти** – фуқароларни уларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги иштироки ҳисобига давлат пенсиясига қўшимча пенсия маблағлари билан таъминлаш;

**жамғариб бориладиган пенсия тизими** – давлат органлари, Халқ банки, юридик ва жисмоний шахсларнинг фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамғарилган

2

Буклаш чизиғи

бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизларнинг ўз вақтида ва тўла ҳажмда ўтказилишини таъминлаш;

жамғариб бориладиган пенсия тўловларининг миқдори ўз вақтида ва тўғри тайинланишини таъминлаш;

жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчиларга бундай тўловларни тўла ва ўз вақтида бериш.

**26-модда. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очилганлиги тўғрисида бадал киритувчи иш берувчилардан зарур ахборотлар олади;

фуқароларга жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тўлаш топшириқлари ўз вақтида берилишини таъминлайди;

жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг шахслар бўйича ҳисобини юритади;

Халқ банкида фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очиш ва юритиш тартибига риоя этилиши, бундай ҳисобварақларга бадаллар ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизлар ўтказилиши, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағлар тўланиши устидан назорат ва мониторинг олиб борилишини таъминлайди.

## V. ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИНГ АКТИВЛАРИ, УЛАРНИ САҚЛАШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ

**27-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг активларини шакллантириш**

Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ак-

15

Қирқиш чизиғи

ҳисобварағида жамғарилган маблағлар бир йўла ва тўла ҳажмда тўланади.

**21-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тўхтатиш**

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар батамом тугаганда;

бундай тўловларни олувчи шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган жами суммани меросга ўтказиш мақсадида нотариал тасдиқланган ҳолда тўловларни олишдан шахсан ёзма равишда воз кечганда.

**22-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини ушлаб қолиш ёки тўхтатиб туриш**

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини ушлаб қолиш ёки уларни тўхтатиб туриш фақат:

суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари ва ҳукмлари (мулкий ундиришлар қисми бўйича), нотариусларнинг ижро устхатлари ҳамда ижро этилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ суд ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга ошириладиган бошқа ҳал қилув қарорлари ва қарорлар асосида;

бадал киритувчи ёки бундай тўловларни олувчи томонидан суиистеъмол қилиниши оқибатида ёхуд ҳисоб-китобдаги ёки бошқа техник хато оқибатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчига ортиқча суммалар тўланган ҳолларда Халқ банки филиалларининг тақдимномаси бўйича туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими томонидан қабул қилинган қарорлар асосида амалга оширилиши мумкин.

## IV. ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТИЗИМИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**23-модда. Бадал киритувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

12

Буклаш чизиғи

дек вақтинча меҳнат фаолияти билан машғул бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг, ички ишлар ва давлат божхона органларининг оддий хизматчи ва бошлиқлар таркибига мансуб шахсларининг, прокуратура органлари ходимларининг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**7-модда. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида маблағларни шакллантириш манбалари**

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида маблағларни шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

бадал киритувчиларнинг жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари;

бадал киритувчиларнинг жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизлар;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маблағлар.

**8-модда. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига маблағлар келиб тушиши ва улардан фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш**

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағлардан белгиланган мақсадда фойдаланилиши ҳамда фоизлар тўғри ҳисоблаб чиқарилиши устидан назорат Ўзбекистон Респуб-

5

Қирқиш чизиғи

ҳисобварағидаги маблағларга ҳисоблаб қўшилган фоизлар ҳамда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маблағлар ҳисобига шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган пул маблағлари;

**шахслар бўйича ҳисобга олиш** – жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ҳар бир қатнашчиси тўғрисидаги маълумотлар ҳисобини олиш ва юритиш.

**4-модда. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ушбу Қонунда белгиланган тартибда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда фойдаланадилар.

**5-модда. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти бўйича давлат кафолатлари**

Давлат жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларга уларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлари сақланиши ҳамда тўланишини кафолатлайди.

**6-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиш**

Барча иш берувчи юридик шахслар учун ўз ходимларининг фойдасини кўзлаб жамғариб бориладиган пенсия тизимида бадал киритувчи сифатида иштирок этиш мажбурийдир.

Меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи сифатида жамғариб бориладиган пенсия тизимининг иштирокчиларидир.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларининг аъзолари, шунинг-

4

Буклаш чизиғи

Бадал киритувчилар фуқаронинг Халқ банкига тақдим этиладиган шахсий маълумотларини тўлдириш ва аниқлаштириш ҳамда Халқ банкининг ҳаракатлари устидан судга шикоят бериш ҳуқуқига эга.

Бадал киритувчилар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун зарур маълумотларни тақдим этишлари ҳамда фуқароларга тааллуқли барча ўзгаришлар (ишга кириш, ишдан бўшаш, паспортдаги маълумотлар ўзгарганлиги ва бошқалар) тўғрисида Халқ банки филиалларига хабар қилишлари, бадал киритувчи юридик шахслар шунингдек шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига бадалларни ўз вақтида киритишлари ҳамда фуқароларнинг туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларига ва Халқ банки филиалларига йўлланган шахсий маълумотлари нусхаларини талабларига кўра уларнинг ўзларига топширишлари шарт.

**24-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи:

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан тўловларни белгиланган тартибда олиш;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги жамғармаларнинг ҳолати тўғрисида биринчи талаб қилганидаёқ ахборот олиш;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизлар тўғрисида ахборот олиш;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги ўз жамғармаларини қонун ҳужжатларига мувофиқ васият қилиб қолдириш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш учун чиқиб кетганда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан жамғарилган маблағларни олиш ҳуқуқига эга.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи Халқ банкининг бундай тўловларни олувчи олдидаги мажбуриятлари бажарилишига таъсир

13

Қирқиш чизиғи



Ҳурматли Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонлари!

O'ZSANOATQURILISHBANK

республикамизда биринчи бўлиб ўз дизайнига эга EMV стандартидаги VISA «Elektron» ва VISA «Classic» чипли карточкаларни эмиссия қилишни бошлади.

«Ўзсаноатқурилишбанкнинг» VISA чипли карточкалари — бу сизнинг молия ва хизматлар дунёсига ташрифингиздир!

«Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан чиқарилган тўлов карточкалари ёрдамида республика аҳолиси нақд пул олиш, республикамизда ва хорижда товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўладилар.



Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

Маълумот учун телефонлар: 120-43-39, 120-45-40.



*Корхона ва ташкилотлар диққатига!*

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

**қурилишни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади**

1. Пахтачи тумани маркази, Зиадин кўрғонидаги 25-мактабни капитал таъмирлаш. *Қурилиш ишларини бажариш муддати — 3 ой.*

**Буюртмачи — Пахтачи тумани халқ таълими бошқармаси.**
**Манзили: Пахтачи тумани, Зиадин кўрғони, Истиқлол к., 45-уй.**
**Телефон: 3-12-56.**

Қурилиш ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус 2-«Г», 208-хона.**
**Телефонлар: 31-13-51, 33-32-00.**

*Ҳужжатларнинг бир тўплами (комплект) қиймати — 40000 сўм.*

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд ш., Кўксарой майдонида, соат 18.00 да Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.


Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Ибодулла Равшанович Нуровга волидаи муҳтарамалари

**ШАМСИЯ аянинг**

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси «Ўзагромашсервис» уюшмаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг масъул ходими Ўктам Барноевга падари бузруквори

**ИСО отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси вазирлик масъул ходими Обид Жўраевга акаси

**Алижон ЖЎРАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси жамоаси қўмита қошидаги «Ер сервис» ИТМ директори Миршоҳид Азизовга волидаси

**Маҳбуба АЗИЗОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Автомобиль йўллар институти жамоаси Химмотология кафедраси профессори

**Искандар ҚОДИРОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси Ижтимоий фанлар кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

**Кўркмас АБДУЛЛАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекэнерго» ДАК жамоаси «Ўзэнергосозлаш» унитар корхонаси гидротехник иншоотларни ишлатиш хизмати етакчи муҳандиси Исмоил Турсуновга акаси

**Юсуф ТУРСУНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —968. 22129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[Т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Каримов.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — И. Турсунова.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 21.50 23456